КУТУБХОНАСИ

# НАВРЎЗ ШУКУҲИГА ТЎЛДИ ОЛАМ!

ШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 52-53 (10.105-10.106) / 2004 ЙИЛ 20 МАРТ



*Азизларим, биродарларим, бу ғанимат дунёда бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлайлик, бир-биримизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшайлик.*

*Ислом КАРИМОВ*



## ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 2004 йил 23-24 март кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади.***

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши ва қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Табиат уйғониб, тобора чирой очиб бораётган мана шу гўзал кунларда сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни яшариш ва янгиланиш рамзи бўлмиш Наврўз айёми билан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бугунги шодиёнада бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган муҳтарам меҳмонларимизни, юртимиздаги элчихоналар ва халқаро ташкилотлар, чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларини, барча дўстларимиз ва биродарларимизни қадимий ва азалий байрамимиз билан сизларнинг номингиздан, эл-юртимиз номидан самимий қутлайман.

Азиз дўстлар!

Шу кунларда эл-юртимиз қарши олаётган Наврўзи оламнинг ҳаётбахш нур-зиёси, ажойиб аломатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бу айёмнинг буюк бир хосияти борки, уни алоҳида таъкидлаш зарур.

Баҳор кириб келиши билан, муътабар заминимиз яшил либосга бурканиб, куртаклар очилиши билан ҳар қайси тирик жон, ҳар қайси одам ўзининг она табиат фарзанди эканини чуқур ҳис этади.

Бу ёруғ дунёнинг бетакрор сеҳри ва гўзаллигини худдики янгитдан англаб, дилида мудраб ётган эзгу ниятлари, орзу-умидларини, қалбининг тўрида бўлган меҳр ва саховатини намоён этишга интилади.

Мана шу файзли кунларда, баҳорнинг сумалак ва ҳалим каби тансиқ таомлари тортилган дастурхонлар атрофида ватандошларимиз Наврўз неъматларини, байрам қувончини ёру дўстлар билан баҳам кўришни, дунёга юрагини, бағрини очишни истайди.

Беморлар, етим-есир, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам ва кўмак беришга, табаррук кексаларимизни зиёрат қилиб, уларнинг дуосини олишга шошилади.

Юртимизга Наврўзи олам - янги фасл, янги йил ўзининг қутлуғ қадамини қўйиши билан нуроний оталар, мунис момоларимиз дуога қўл очиб:

Ризқи насибамиз бутун бўлсин,

Деҳқонларимизнинг омадини, баракасини берсин,

Ҳар бир оила, ҳар бир инсон бахтли бўлсин, деб тилак қилади.

Ҳеч шубҳасиз, Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган бу йилимизда бундай чин қалбдан чиқадиган, холис ва олижаноб, пок ниятлар ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар қайси инсоннинг юрагида акс садо топади ва шу тилакларнинг ижобат бўлиши, диёримизни янада обод, ҳаётимиз фаровон бўлишига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади.

Мана шу гўзал, шукуҳли ва тароватли айёмда, одамнинг юраги юмшаб, гина ва аразлар унутиладиган шу лаҳзаларда мен барча юртдошларимизга қарата даъват қилмоқчиман:

Азизларим, биродарларим, бу ғанимат дунёда бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлайлик, бир-биримизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшайлик.

Агарки менинг бу сўзларим барча юртдошларимизга етиб борса ва уларнинг қалбидан жой олса, ўзимни ғоят бахтиёр ҳис қилган бўлардим.

Муҳтарам юртдошларим!

Яна ва яна бир бор сиз, қадрдонларимни, сизлар орқали барча ватандошларимни бағримга босиб, азиз ва ардоқли Наврўз байрами билан чин қалбимдан қутлайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Ҳур диёримиз узра баҳорий насимлар эсмоқда.

Дов-дарахтларнинг куртак ёзишидан, ўт-ўланларнинг яна кўкка бўй чўзишию, қалдирғочларнинг валфажридан қалблар шодликка тўлмоқда. Шарқираб оқаётган сув қишнинг рутубатли кунларида бир муддат тин олган чархпалакларга яна қайта «жон» киритган. Борлиқдаги жамики уйғониш, янгиланиш ва яшариш озод ва обод Ватанимизга яна улуғ айём, қут-барака элчиси - Наврўзи олам кириб келганидан дарак беради. Бу эзгулик, меҳр ва мурувват, одамийлик ва оқибат айёми яна дилларни сурур ва умидга тўлдириб келди. Жаннатмонанд ўлкамиз узра байрамона руҳ ҳукмрон!

19 март. Соат 14.00. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган. Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Тантанага йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Еру кўкни тутган чорлов мусиқаси байрам тантаналари бошланганидан дарак беради.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Европа Иттифоқининг ташқи алоқалар бўйича комиссари Кристофер Паттенни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Европа Иттифоқи муносабатлари, минтақавий хавфсизлик ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тузиш тўғрисида»ги Фармойишга имзо чекди.**

● **Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония ташқи ишлар вазирлигининг парламент котиби Исао Мацумия раҳбарлигидаги делегация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бўлди.**

● **Наврўз байрами арафасида Элликқалъа туманидаги «Гулистон» овул фуқаролар йиғинидаги «Истиқлол» аҳоли пунктига табиий газ келтирилди.**

### Жаҳонда

● **АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюросининг маълумотларига кўра, 2050 йилда ушбу мамлакат аҳолисининг сони 420 миллион кишига етади.**

● **Бокуда Каспий денгизининг ҳуқуқий мақомини белгилаш бўйича махсус ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

● **Энг янги «Boeing 777-300 ER» русумли ҳаво кемаси Европада муваффақиятли сертификатлаш жараёнидан ўтди. Авиакомпанияларга ушбу самолётдан жаҳоннинг ҳар қандай нуқтасига йўловчиларни элтиш учун фойдаланишга рухсат берилди.**

# НАВРЎЗ ШУКУҲИГА ТЎЛДИ ОЛАМ!





Давоми. Боши 1-бетда.

Давлатимиз раҳбари юртдошларимизни боқий байрам — Наврўзи олам билан самимий қутлаб, унинг тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъана-удумлари тобора сайқалланиб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.

Бу айём ҳамиша янгиланиш ва ёшлик, гўзаллик ва нафосат, меҳр ва мурувват, оқибат ва саховат, бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида кенг нишонлаб келинган...

Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши — Янги кунни мадҳ этувчи майин наво таралади. Мусиқий оҳангларга қушлар чуғур-чуғури, сувнинг жилдираши, жисму жонимизни ўртагудек орзиқиб кутаётганимиз - баҳор ишвалари уйғунлашиб кетади. Шу майин куй-оҳанг оғушида кўз ўнгимизда зебо табиатнинг бетакрор фасллари гавдаланади, турфа гуллар юз очади, булбуллар хониш қилади. Гўё вужудга қайта жон инади, бамисоли қайта туғилгандек, яшаргандек ҳис этади инсон ўзини мана шундай дамларда.

Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси остида жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Гўё уларнинг садоси она заминни қиш уйқусидан уйғотиб, борлиққа баҳор сеп ёйганидан дарак бергандек бўлади. Шу дамда беихтиёр ям-яшил қир-адирлар, гулга бурканган водийлар, лолақизғалдоқдан қизарган чўл-биёбонлар гавдаланади кўз ўнгимизда. Бинафша бўйлари димоқни қитиқлаб ўтгандек, заминдан кўкка ўралаётган ҳовурдан кўкракни тўлдириб нафас олгандек бўламиз...

Тантананинг «Хуш келибсиз!» деб номланган қисмида пойтахт вакиллари ўзларининг бетакрор санъатларини намойиш этади.

Давлатимиз раҳбари бу йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилди. Бу борада ҳукуматимизнинг махсус дастури қабул қилинди. Эзгу ниятлар билан номланган йилда ўтказилаётган Наврўз тантаналарида халқимизга хос меҳр ва мурувват фазилатларига алоҳида аҳамият берилган. Бу бежиз эмас. Зеро, йил бошида азалдан меҳр ва мурувват, одамийлик ва саховат барқарор бўлиши хусусида ният қилинади. Ана шу кунда жамики гина-кудуратлар ўртадан кўтарилиб, самимият ва меҳр-муҳаббат ришталари боғланади.

«Ўзбекистон гуллари йиғилмиш бу чаманга» деб номланган қисмда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг бадиий фольклор ва этнографик жамоалари ўзларининг ранг-баранг дастурларини намойиш эта бошлайдилар. Ҳар бир ҳududнинг чиқишларида унинг ўзига хос халқ ўйинлари, қўшиқ, лапар, рақс ва аскиялар ижро этилади. Ҳур диёримизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган барча миллат ва элатлар вакилларининг бадиий чиқишлари қалбларни фахрга тўлдиради.

Кун билан тун тенглашадиган Наврўзга азалдан аждодларимиз ризқ-насиба, нажот ва баракот фурсати сифатида қараган. Ана шу кундан бошланган баҳорий юмушлар, деҳқон далага қўш чиқариб, барака уруғи сочган. Ерга дон сочилгани учун ҳам бу кун дошқозонларда сумалак, ҳалим қайнатилган, кўпкари, пойга каби халқ ўйинлари ташкил этилиб, дорбозу морбозлар, полвону масхарабозлар томоша кўрсатган. Бугун бу азалий анъаналаримиз янада бойиб, теран маъно касб этмоқда.

Ҳар йили Наврўз байрами арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, корхона ва ўқув муассасаларини фойдаланишга топшириш анъана тусини олган. Бундай тадбирларнинг аввали мавжланиб оқаётган Амударё узра қурилган янги кўприкнинг очилиш маросимидан бошланди. Унинг очилиши тантанасида Президентимиз Ислом Каримов иштирок этди. Зеро, бу иншоотни бунёд этишнинг ташаббускори ва раҳнамоси Юртбошимиздир. Халқ хўжалиги учун муҳим стратегик аҳамиятга эга мазкур иншоот мамлакатимиз, хусусан воҳа аҳлининг кўпдан-кўп муаммоларини ечишга кўмаклашади, элларни эллар билан, дилларни диллар билан боғлайди.

Бунёдкорлик майдонига айланган юртимизда шу кунларда янги қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт мажмуалари, маданият ва хизмат кўрсатиш иншоотлари фойдаланишга топширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатларнинг маъно-моҳиятида аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўкин ҳаётни таъминлашга интилиш, бир сўз билан айтганда, кишиларга меҳр ва мурувват кўрсатиш нияти мужассамдир.

Нафис анжуманнинг «Ҳаёт чечаклари» деб номланган фаслида саҳнага ширин-шакар болакайлар кириб келади. Юзларида эзгулик балқиган кичкинтойларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор куй-қўшиқлари, жозибадор рақслари кишини завқлантириб юборади.

Уларнинг самимияти беихтиёр сизга кўчади.

Юртимиз азалдан кураги ерга тегмаган полвонлари билан ном қозонган. Истиқлол шарофати билан ўзбекнинг кураши дунёни забт этмоқда. Бугун ўзбекона яктак кийиб, ўзбекча «таъзим», «ҳалол», «ёнбош», «чала», «дакки» каби ибораларга амал қилиб кураш тушаётганларни дунёнинг барча қитъасида учратиш мумкин. Спортчи ўғил-қизларимизнинг донғи олам узра ёйилмоқда, уларнинг ғалабалари шарафига юртимиз мадҳияси олиймақом мусобақаларда янграб, байроғимиз сарбаланд кўтарилмоқда.

Байрамда ўзбек миллий кураш мактабининг анъаналарини маҳорат билан давом эттираётган янги авлод вакиллари, спортимиз намояндалари, цирк усталари, Ўзбекистон байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарган спортчиларимиз ҳозир бўлади. Улар орасида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими - «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби оммавий спорт ўйинлари ғолибларини кўришимиз мумкин. Ўзининг мардонавор ғалабалари билан юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшган спортчиларимиз борлигидан қалбларимиз ғурур ва ифтихорга тўлади.

Бу нафис анжуманда ўзбек халқига хос гўзал инсоний фазилатлар — меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, фидойилик, якдиллик ва аҳиллик, тинчликка интилиш туйғулари бетакрор халқ қўшиқлари ва замонавий ашулалар воситасида юрак қатларига тобора чуқурроқ сингади.

Тантананинг «Сен баҳорни соғинмадингми?» деб номланган қисмидан ўрин олган санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш санъаткорларнинг, айниқса, санъатимизнинг навқирон вакиллари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Азиз она юртим наволари» танловлари ғолибларининг Ватанни, Наврўз ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантириб юборади. Она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси барчамизни бирлаштирувчи, келажак сари илдам етакловчи буюк куч эканлигини чуқур ҳис қиламиз.

Ажойиб куй-қўшиқларга мушакбозлик уланиб кетади...

Байрам тантаналаридан сўнг Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

— Наврўзни кўтаринки кайфият билан нишонлаш эзгу-ниятлар билан яшаётган халқимизга ярашади, — деди Юртбошимиз. — Халқимиз табиатидаги адолатга, ёруғликка интилиш, ўзининг ҳаёт тарзини шунга мос равишда йўлга қўйиш қадимий байрамимиз билан уйғундир. Мазкур йил бежиз Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинмади. Бинобарин, бағрикенглик, бир-бирига меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизнинг азалий одатларидан биридир. Ёшларимиз буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиб етишишдек улуғ мақсад билан яшашлари лозим.

Юртимизда, унинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида байрам шодиёналари давом этмоқда.

Байрамларинг ўзинг каби боқий бўлсин, она халқим!

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**





## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** «ЭКОСАН» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан Наврўз айёмига бағишлаб Яккасарой туманидаги 300-боғчада хайрия тадбири уюштирилди. Унда тумандаги вирусли гепатит билан оғриган болалар тарбияланаётган махсус боғчага ўрин-кўрпа анжомлари, озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат умумий қиймати 600 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

● **ЭРТАГА** шаҳримиздаги Сайилгоҳ кўчаси, Бобур ва Мирзо Улуғбек номларидаги маданият ва истироҳат боғлари каби марказий майдон ва хиёбонларда Наврўз умумхалқ байрами тантаналари кенг нишонланади.

● **ЭРТАГА** Чилонзор туманидаги 23-меҳрибонлик уйи ҳамда Юнусобод туманидаги 31-меҳрибонлик уйида Наврўз байрамига бағишланган хайрия тадбири ўтказилади. Унда тарбияланувчиларга ҳомий ташкилотлар томонидан совғалар туҳфа этилади.

● **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий университетида гроссмейстер Рустам Қосимжонов билан талаба ва ўқитувчилар ўртасида шахмат сеанслари уюштирилади. ЯКШАНБА куни эса Талабалар шаҳарчасида қизиқарли танловлар, қизлар ўртасида волейбол бўйича мусобақалар, кураш, шахмат, баскетбол, мини-футбол, стол тенниси бўйича турнирлар бўлиб ўтади.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги 216-мактабда ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар иштирокида уюштирилган семинар-тренинг «Миллий истиқлол ғояси» деб номланди.

● **ЭРТАГА** шаҳримиздаги 31-меҳрибонлик уйида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорликларида тарбияланувчилар иштирокида спорт мусобақалари ўтказилади.

● **КЕЧА** Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида Наврўз айёми муносабати билан халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси уюштирилди.

● **БОБУР** номидаги маданият ва истироҳат боғида спортнинг олти тури бўйича «Спорт ҳафталиги» тадбири «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Яккасарой туман бўлимлари томонидан уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**







*Байрам мушоираси*

Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

## НОГАҲОН

Ланг очди ойнасин жаҳонга Наврўз,
Олам чеҳрасида яшил табассум.
Менинг ҳам кўксимда битта гўзал сўз,
Аста гулламоқда дилбар ва масъум.

Жумла мавжудодда ажиб ҳаракат,
Товланиш, нозланиш, ранг жимжимаси.
Юрагин дол очиб сўзлар табиат,
Сен шоир, жим қолсанг...бунинг нимаси?!

Нечун жим қолайин? Меҳрим мавжида
Баҳорни қалбимга этар эдим нақш.
Илҳому ишқимнинг юксак авжида
Наврўзга қўшиқлар этар эдим бахш...

Бирдан рўбарўмдан чиқди бир сулув,
Бир қултум сув ила ютгудек санам.
Эй, жоним, бағрингдан ҳаловатни қув,
Эй кўнглим, ҳузурни тарк айла сен ҳам!

Олам бир муаттар ҳисларга тўлди,
Равшан тортди беҳад борлиқ жамоли.
Бу ажиб ногаҳон ташриф не бўлди?
Бу қандай самовий қудрат шамоли?

Бундай гўзалликка ҳеч тегмасин кўз,
Эй, Худо, бир қудрат бахш эт қаламга.
Марҳабо, Муҳаббат, марҳабо, Наврўз, —
Дея жар солайин буткул оламга!

Ҳаётни олқишлар қушлар чалган соз,
Ирмоқлар чулдирар куйлар басма-бас.
Эй, баҳор тимсоли бўлган сарвиноз,
Сени севиб қолсам айб менда эмас.

## ЯШАРИБ, ЯШНАСИН ЎЛКАМ

Юртимда байрам кўп, тантаналар кўп,
Мустақил тузумнинг шарофати бу.
Гўзал қадриятлар, анъаналар кўп,
Аллоҳнинг бахш этган илтифоти бу.

Муборак Наврўз ҳам табаррук байрам,
Яшариш, яшнашнинг гули унда жам.
Кўркамлик кашф этиб ушбу кенг олам,
Баҳорий туйғуни айлар мужассам.

Табиат ям-яшил сепини ёйиб.
Она ер бурканди гулга, лолага.
Деҳқон иш қуролин қўлига олиб,
Улуғ мақсад билан чиқди далага.

Барчамизни чорлаб эзгулик сари,
Гул очсин элимда меҳр-мурувват.
Умримизнинг ҳар бир лаҳзаси, они
Наврўз бўлсин дея қиламиз ният.

Яратган эгамдан тилагимиз шу:
Бу йилги Наврўз ҳам хайрли бўлсин.
Одамзот чекмасин ташвиш ва қайғу,
Бахтли, саодатли, омадли келсин.

**Соип МУҲАМЕДОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

## НАВРЎЗ

Наврўзни дараклаб яқин-йироқдан,
Ўлкамга қалдирғоч ташриф этибди.
Кийдириб яшил тўн бутун борлиққа,
Наврўзнинг нафаси ҳар ён етибди.

Интиқиб кутгандек, Наврўз ҳам келиб,
Лоладан гиламлар ёйди ҳар томон.
Қалбларни ром этиб, янги куч бериб
Зафарлар қучишга яратди имкон.

Она-Ер уйғонди қишки уйқудан,
Заминдан кўкламнинг ҳиди таралар.
Ризқу рўзимиз деб, уруғ қадашга,
Поёнсиз далалар деҳқонни чорлар.
Тошқин сой ўзанга сиғмай
ҳайқириб,
Уни кутаётган боғларга оқди.
Толбаргаклар тақиб, ўлан айтишган,
Шўх қизлар қаҳ-қаҳи тутар ҳар ёқни.

Наврўзнинг неъмати сумалак,
ҳалим,
Зеб бўлиб безайди дастурхонимиз.
Ҳар айём Наврўзнинг шарофатидан
Тўкинликда ўтар ҳар бир онимиз.

**Рустам ХЎЖАЕВ**



## АССАЛОМ, ЯНГИ КУН

Қуёш теграсида айланиб
фалак,
Табиат безаниб мисли
келинчак,
Бугун юз очибди турфа
хил чечак —
Ассалом, янги кун,
ассалом, Наврўз!

Яна тенглашибди кеча ва
кундуз,
Кўкда нур таратар
ярқираб юлдуз,
Лабларда табассум, айтиб
ширин сўз —
Ассалом, янги кун,
ассалом, Наврўз!

Шифобахш майсалар бўй
чўзиб аста,
Бинафша қўлларда
жажжи гулдаста,
Дардларин унутар бемору
хаста —
Ассалом, янги кун,
ассалом, Наврўз!

Сумалак тортилар насиба
бўлиб,
Ариқда сув оқар бўтана,
тўлиб
Қизлар пардозланар
ўсмалар қўйиб —
Ассалом, янги кун,
ассалом, Наврўз!

Боғлардан гул исин олиб
келди ел,
Меҳр-мурувватга сабаб
бўлиб кел,
Сен боис шодланар,
қувонади эл —
Ассалом, янги кун,
ассалом, Наврўз!

**Муаттар ҲАМРОЕВА,**
**138-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

*Фан*

## ЭНГ ЯХШИ МАЪРУЗАЛАР

***Ўзбекистон Фанлар академияси институтларида фаолият кўрсатаётган тадқиқотчилар орасида истеъдодли ёш олимлар ҳам анчагина. Уларнинг олиб бораётган изланишлари халқ хўжалигининг муҳим муаммоларига бағишланганлиги билан ҳам ажралиб туради.***

Ўзбекистон ёш олимларининг «Мустақиллик ва Ўзбекистон фани» деган мавзуда ўтказилган республика илмий конференцияси дастуридан ўрин олган тадқиқотлар ҳам эътиборни ўзига тортади. Астрономия институтининг истеъдодли ёш тадқиқотчиси Баҳром Қаҳҳоровнинг «Тарқоқ тўдалардаги тусланувчи-ўзгарувчи юлдузлар ва галактик масофа шкаласининг коррекцияси» деган маърузаси бу анжуманда кўпчиликка манзур бўлди.

Ушбу конференцияда ўндан ортиқ ёш олим қизиқарли илмий чиқиш қилди.

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИЛМИЙ ТАЛҚИНИ

***Мамлакатимизда ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Муваффақиятли кечаётган ана шу жараёнларнинг илмий асосларини яратиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда.***

Ўзбекистон Фанлар академиясининг иқтисодиёт институти олимларининг шу йўналишдаги тадқиқотлари ҳам самарали бўлмоқда.

Ёш тадқиқотчи Эркин Маҳмудов эса ўз изланишига «Қўшма тадбиркорлик — хорижий инвестицияларни жалб этишнинг самарали усули» деган мавзуни танлаб олган эди. Ёш олим ўзининг илмий-амалий кузатишлари асосида ушбу муаммонинг муҳим иқтисодий томонларини ўрганди.

Бу тадқиқот институт ёшларининг энг яхши ишларидан бири деб топилди.

## ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

***«Ўзбекистоннинг Жанубий туманларида ер қобиғининг янги ва замонавий геодинамик фаоллиги» деб номланган тадқиқотда сейсмология фанининг муҳим йўналишига оид маълумотлар ўз аксини топди. Чиндан ҳам бу илмий изланиш Ўзбекистон Фанлар академиясининг Сейсмология институтининг ютуғи бўлди.***

Ана шу муаммо устида истеъдодли ёш олим Икром Алимуҳамедов самарали изланиш олиб борди. Натижада ёш тадқиқотчи ушбу мавзу билан боғлиқ муҳим тавсияларни илгари сурди.

Ҳозир у бу изланишини давом эттириб, янги илмий маълумотларни қўлга киритмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**


Radisson SAS
HOTEL / TASHKENT
Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини уйғониш, эзгулик ва нафосат айёми билан самимий муборакбод этади.
Наврўзнинг қувончли кунлари ҳар бир хонадонга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик олиб келсин.
Radisson SAS TASHKENT
Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
TOSHKENT
МБМ

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ

Ўзбекистон халқини, Тошкент шаҳрининг тадбиркорларини

НАВРЎЗ БАЙРАМИ

билан муборакбод этади

Юртимизда тадбиркорлар сафи кўпайиб борсин. Бу улуғ айём элимиз дастурхонига қут-барака, тўкин-сочинлик келтирсин.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази биржа савдоларига таклиф қилади.
Битимларнинг тезкорлиги, ишончлилиги, конфиденциаллиги кафолатланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
Телефон: 132-25-51. Факс: 133-20-74.
www.tshmbm.uz; E-mail: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

*Санъат*

## ЧОЛҒУЧИНИНГ ИЖОДИЙ ЮТУҒИ

***Таниқли ўзбек бастакори Сайфи Жалил ижодида торли чолғу асбоблари учун ёзилган асарлар ҳам етакчи ўрин тутади. Унинг виолончел ижроси учун яратган қатор йирик асарлари миллий оҳангларга бойлиги, тингловчида завқ-шавқ уйғотиладиган ҳиссиётга тўла садолари билан ҳам ажралиб туради.***

Атоқли бастакорнинг бу сингари ижод намуналари истеъдодли созанда Наргиза Юсупова концерт репертуаридан ҳам ўрин олди. Ўзбекистонда виолончел чолғу асбобининг моҳир ижрочиси бўлиб танилган бу умидли санъаткор яқинда яна бир ижодий муваффақиятни қўлга киритди. Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида ўтказилган ёш мусиқачиларнинг халқаро танловида ўзининг техник, бадиий ва касбий маҳоратини намойиш қилиб, бу йирик кўрикнинг гран-при соҳиби бўлди. У Сайфи Жалил билан бир қаторда Дмитрий Шостаковичнинг виолончел учун ёзган асарларини ҳам ижро этди.

## МУРУВВАТ ЁРДАМИ ТОПШИРИЛДИ

**«Соғлом авлод», «Меҳр ва мурувват йили» давлат дастурлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилишида фаол иштирок этиш мақсадини кўзлаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган.**



Жумладан, АҚШ давлатининг «Амери Керз» халқаро мурувват ташкилоти билан 1997 йилдан бери яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ушбу ташкилот томонидан Ўзбекистонга январь ойида дори-дармонлар, тиббий ашёлар, санитария ва гигиена буюмларидан иборат мурувват юки ортилган самолёт келганди ва у аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига топшириш учун «Соғлом авлод учун» жамғармасининг минтақавий филиалларига, жумладан жамғарманинг Тошкент шаҳар таянч масканига ҳам топширилганди.

«Наврўз» умумхалқ байрами арафасида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани томонидан шаҳримиздаги барча меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, кўзи ожиз болалар махсус интернати, 25-ёрдамчи мактаб ўқувчиларига, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази, шаҳар «Меҳр таянчи» марказининг қаровсиз, вояга етмаган болалари учун ва Сергели туманидаги «Меҳрибонлик» ногиронлар марказига дори-дармон, санитария ва гигиена воситаларидан иборат бўлган мурувват ёрдами топширилди.

— Йил бошида нимани ният қилсанг шу амалга ошади, — деди тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова. — Меҳр ва мурувват йилида, айни Наврўз байрами кунларида меҳр-оқибат кўрсатиш, ётиб қолган беморларни йўқлаш, ногирон, етим-есирларга саховатли бўлиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимизга айлансин. Токи, эзгу ният билан бошланган йилимизда ҳеч ким хайру-саховат, беминнат кўмагимиздан бебаҳра қолмасин.

— Болажонларимизга кўрсатилаётган ёрдам, эътибор ва ғамхўрликдан улар кўнгли кўтарилиши, келгусида эл-юрт ишига лойиқ инсонлар бўлиб вояга етишларига шубҳа йўқ, — деди мурувват ёрдамини қабул қилар экан Ҳамза туманидаги 30-меҳрибонлик уйи директори Гулнора Хабирхонова. — Меҳрга ташна болажонларнинг илм олишлари, ҳунарли бўлиб, бирор касбни эгаллаб, ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун имкони борича ҳаракат қилмоқдамиз. Бизларга ҳамиша мурувват ёрдамини кўрсатиб келаётган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига ҳам ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТДА: меҳрибонлик уйларига топширилган мурувват ёрдами.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## ҲУЖЖАТЛИ ТЕАТР ЖАНРИДА

***«Док» (ҳужжатли театр) жанрида юзага келган ижодий лойиҳа асосида қатор янги постановкалар саҳна юзини кўрмоқда. Тошкентдаги «Илҳом» театр-студияси актёрлари ҳам ана шу йўналишда ўз ижрочилик маҳоратларини намоён этишга қўл уришди.***

«Севги тарихи» деб номланган янги спектакль янги жанрда саҳна юзини кўрадиган бўлди. Инглиз драматургияси асари асосида постановка қилишга киришилган бу саҳна асарида оддий кишилар тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Британия кенгаши билан ҳамкорликда постановка қилинаётган ушбу спектаклда ҳужжатли театр жанрининг томошабинни ҳаяжонга соладиган усулидан фойдаланилади.

Британиялик саҳна усталари Тошкентга келиб, янги спектакль постановкасида қатнашадилар.

## СОВРИНЛИ МУЛЬТФИЛЬМ

***Республикамизда қўғирчоқ фильмлар яратиш борасида ҳам ўзига хос ижодий мактаб яратилди. «Ўзбекфильм» киностудиясининг мультипликацион фильмлар ижодий бирлашмаси томонидан суратга олинаётган экран асарлари болалар қатори катталар учун ҳам бирдек манзур бўлмоқда.***

Истеъдодли режиссёр Сергей Алибеков яратган мультфильмлар ҳам ўзининг мундарижаси билан ажралиб туради. Санъаткор постановка қилган «Эхограмма» қўғирчоқ фильми ҳам кўпчилик томонидан яхши кутиб олинди.

Украина республикаси пойтахти Киев шаҳрида яқинда ўтказилган халқаро кинофестивалда бу постановка ҳам муваффақиятли намойиш қилинди. У нуфузли кино анжуман томонидан энг яхши мультипликацион асар деб баҳоланди.

**Аҳмад АББОСОВ**




***Болалар ҳаётнинг ёрқин юлдузлари. Келажакнинг мунаввар тонги. Бугуннинг ширин ва тотли мевалари, эртанги чароғон ёғдуларидир. Улар билан олам гўзал, ҳаёт эса сермазмун ва сержилодир.***

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# ИСТИҚБОЛИНГ ЁРҚИН БЎЛСИН, БОЛАЖОН



Болаларнинг шўх-шодон овозлари-ю, қувноқ қийқириқлари оламни тутади. Бироқ, улар кўзидаги мунгни кўрганмисиз? Болалар кўзида мунг нима қилсин дейсизми? Мен ҳам шундай деб ўйлардим. Аммо куни кеча шаҳримиздаги 22-меҳрибонлик уйида бўлганимда бунга ўзим амин бўлдим. Яхшиси, келинг болалар уйида олган таассуротларимни эътиборингизга ҳавола этай.

— Болалар қалбига йўл топиш осон кечмаяпти. Ҳозир бу ерда 75 нафар бола тарбияланмоқда, — дейди биз билан суҳбатда меҳрибонлик уйининг директори Матлуба Ахунова. — Яқинда улар сафига яна 25 та бола келиб қўшилади. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тарбия, илм бериш билан бирга ҳунар ҳам ўргатиб борамиз. Аммо оналик қалбим билан улар дилидаги ўкинчни, чексиз соғинчни, изтиробни ҳис қилиб тураман. Баъзи бир дийдаси тош ота-оналар қани эди буни тушунишса. Даҳшатлиси ҳам, аянчлиси ҳам шундаки, ота-онаси тирик бўла туриб меҳрибонлик уйида яшаётганлар ҳам бор. Кемтик кўнгилни ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмас экан.



Дарҳақиқат, бу даргоҳда болалар учун барча қулайликлар яратилган. Болалар интилиб, изланаяпти, эзгулик сари одимлаяпти. Бу маскан ҳозирги замон талабига мос равишда жиҳозланган. Тикувчилик, рақс, миллий наққошлик, кулолчилик, драма тўгараклари, компьютер хонаси, инглиз тили, химия фанларини ўрганиш синфлари мавжуд. Дарслар 4 гуруҳда ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

«Мы-Биз» деган ойлик газетани ҳам ўқувчилар ўзлари чиқариб туришади.

Ошхона замонавий анжомлар билан жиҳозланган, тиббий кўрик хонаси куну-тун болалар хизматига шай. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети болалар синфини таъмирлаб, улар учун стол-стуллар совға қилди. «Раҳнамо» компанияси ва «Чилонзор буюм бозори» акциядорлик жамияти томонидан эса болаларга кийим-кечаклар тақдим қилиниб, уларнинг ўксик қалбларига оз бўлса-да малҳам бўлишди. Шунингдек, Чилонзор туман ҳокимлиги ҳам беғубор қалбларнинг шодлиги учун хайрли ишларни бир дақиқа бўлса ҳам тўхтатгани йўқ.

Матлуба опа билан хоналарни айланар эканмиз бир йўла болалар билан суҳбатлашиб, уларнинг армонларини, изтиробларини, орзуларини қоғозга туширдик.

Нигина Мелибоева, 14 ёш: — **Менинг ота-онам ажралишган. Синглим Мадина билан 7 йилдан бери шу ерда яшаймиз. У ҳозир 12 ёшда, яна 2 та укам бор, улар ҳали ёш бўлишгани учун бошқа меҳрибонлик уйида яшашяпти. Дадам билан онам бирон марта ҳам биздан хабар олишмайди. Фақатгина холам келиб туради. Билмайман бизнинг гуноҳимиз нимада. Улар кўп уришишарди, кейин онам ичадиган одат чиқарди, билганларим шу. Агар тақдир тақозоси билан улар мени олиб кетишмоқчи бўлишса, бормасдим... Чунки 7 йил уларсиз яшадим. Бу ерга ўрганиб қолдим. Уруш - жанжал йўқ, бир оилада яшаётгандек барчамиз аҳил-иноқмиз.**

Фарида Абдуллаева: — **6 йилдан бери шу ердаман. 13 ёшдалигимда отам билан онам ажрашишган. Мени бобом боқиб олганлар. 1999 йилда вафот этганларидан сўнг бу ерга олиб келишди. Нега ота-оналар болаларни аросатда қолдириб ташлаб кетишади? Қани эди менга шуни тушунтириб беришса. Улар билан яшашни истайман, кутаман, гарчанд ҳеч қачон келмасликларини билсам ҳам. Ҳозир 9-синфда ўқийман. Ҳамшира бўлмоқчиман, келажакда энг меҳрибон она бўлишни истайман. Мен ҳеч қачон фарзандларимни ўкситмасдим.**

Абдуқундуз Соатов, 14 ёш: — **Дадам 2003 йил вафот этди. Кейин тоғам мени шу ерга олиб келганлар. Чунки онам ногирон. Улғайсам шифокор бўлмоқчиман. Бу ерда бизга яхши қарашади. Тилагим, ҳеч ким бетоб бўлмасин.**

— Бу даргоҳда 4000 нафар бола тарбияланиб учирма бўлишиб, ҳаётда ўз ўринларини топишган. Уларнинг баъзилари илмли, обрў-эътиборли инсонлар бўлиб, бизни йўқлаб келишади, мактублар ёзиб туришади. Уларнинг камолини, жамолини кўриб ниҳоятда хурсанд бўламиз,—дейди суҳбатимизга қўшилган меҳрибонлик уйининг маънавият-маърифат ишлари бўйича мутахассиси Нина Вершагина.

Ҳа, бу ерда тарбияланаётган болалар ўзлари кўрмаган меҳрларини келажакда ўз фарзандларига беришларига ишонамиз. Уларку ўз йўлларини топишар, лекин тирик бўла туриб, фарзандини бир бора кўриб кетишга ярамаган ота-онани ким деб айтиш мумкин?!

**Билмайман ким бунда ўтар солиб дод,**
**Кимдан оз, ё кимдан кўпроқ айб ўтди.**
**Билганим кўрнамак, икки нопок зот,**
**Бир тоза мевани поймоллаб ўтди.**

Бу мисралар ўз эгаларига етиб боришига ишонамиз.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: 22-меҳрибонлик уйи ҳаётидан лавҳалар.**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Кайф-сафо хаёлга асосланади дейиш мумкин, саодат эса фақат ҳақиқатга асосланади.

● Бир ишни бошламасдан илгари уч нарсани кўзда тутиш керак:

1-ишнинг моҳиятидан яхши хабардор, уста бўлишдир. Агар уста бўлмаса, у ишдан фойда чиқмайди. Масалан: табобатдан хабарсиз киши табиблик қилса, касални ҳалокатга етказади. 2- у ишнинг охирига етказиш учун сабр-тоқатли бўлиш, агар ишга қобилиятсиз, сабр-тоқатсиз бўлса, иш ўлда-жўлда бўлиб қолади. 3-ишга кириш вақти, замонини яхши билиш. Вақти келмасдан аввал шошқалоқлик билан бошланган иш унумсиз бўлади.

● Бугун ярим оч, ярим тўқ бўлиб қолиш — эртага номардга муҳтож бўлишдан яхшироқдир.

● Бир китоб, бир рисоладаги камчиликларни ёзувчидан кўра ўқувчилар яхшироқ биладилар.

● Номус, шуҳратни зое қилгандан кўра, ҳалок бўлиш афзалдир.

● Қадимги Эрон донишманди Бузуржмеҳрдан:

— Сиз бунча илмга нима хислатингиз билан эришдингиз? — деб сўрадилар.

Бузуржмеҳр жавоб берди:

— Қарға жуда зийрак, эрта турадиган бир қуш, чўчқа жуда ҳарис, очкўз ҳайвон, ит сабрли, чидамли, мушук эса тавозеъли ҳайвондир. Мен шулардан ибрат олиб, ялқов бўлмадим, эрталаб туриб ишга киришдим, меҳнатдан қочмадим, илм ўрганишга ҳарис бўлдим. Илм йўлида ҳар бир оғирликка чидадим, сабр қилдим, юмшоқ сўзли, тавозеъли бўлдим. Мана шу хислатларнинг соясида илм ҳосил этдим. Мурод, мақсад хазиналари меҳнат кўприги устидадир.

● Туркий элларнинг адиб ва шоири Юсуф хос Ҳожиб айтади:

— Уй-жой олмоқчи бўлсангиз, қўшниларни ва сувни суриштиринг. Аввал ўйлаб, кейин сўзласангиз, пушаймон емайсиз, доимо фароғатда яшай десангиз, ғофилликни ташланг, бобрўй бўлай десангиз, ёлғон сўзламанг, ўзингизни ҳаммага севдирмоқчи бўлсангиз, кўнглингиз билан тилингизни бириктирманг, феълатворингиз яхши бўлсин, очиқ юзли, ширин сўзли бўлинг, ёруғ юзли бўлишни истасангиз тўғриликни ўзингизга шиор қилиб олинг.

● Муҳиддин ибн Арабий айтади:

— Таъмагир кишида тавфиқ бўлмайди. Ҳасад — ёмон хислатларнинг энг ёмонидир. Ҳаё кетса, бало келади. Олижаноб одам ўз шахсий фойдасини кўзлаб, бошқаларни ранжитмайди.

*Заҳматкашларимиз*

## САНЪАТГА БАХШИДА ҲАЁТ



***Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг умр дафтарини варақласангиз ажиб ва хушманзара боғга кириб қолгандай сезасиз ўзингизни. Чунки кўркам ва фусункор бу боғда, булбуллар сайрайди, анвойи гулларнинг ифори уфуриб туради. Бу боғ чексиз меҳр, сарҳадсиз сабр-қаноат, муҳаббат, асосийси муродли бир мақсад йўлида бунёд этилган. Бугунги мўъжазгина суҳбатимиз қаҳрамони ҳам санъатдан гулдасталар ясаб, даста-даста гулларини ён-атрофдагиларга беминнат тақдим этиб келаётган серқирра ва ноёб истеъдод эгаси, ғаройиб боғнинг мўъжизакор боғбони, Ўзбекистон халқ артисти, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Тўтихон ая Юсуповадир.***

Тўти аянинг ўзига хос томони шундаки, у яратган образлар орасида мумтоз ва тарихий асарлардан тортиб комедия руҳи билан йўғрилганлари ҳам учрайди. У саҳнада ҳам, экранда ҳам ўзини намоён эта оладиган актёрлик маҳоратига эга.

**— Тўти опа, ҳам оиланинг меҳрибон бекаси бўлиш, ҳам актёр сифатида доимо эсда қоларли ролларни ижро этиш аёл санъаткор учун оғирлик қилмасмикин?**

— Йўқ. Санъатни севган ҳар бир аёл, ҳаётнинг оғиренгилини чидам ва бардош билан енгиб ўтса, турмуш ўртоғининг ҳам, фарзандларининг ҳам кўнглини ололса, оила шаънига доғ туширмаса, аёлга хос фазилатларини йўқотмаса оила тўкис бўлади, санъат соҳасида ҳам ўзига яраша из қолдиради.



**— Тўти опа, Ҳадиси шарифда айтилишича, Ҳазрат Али «Ақл юракда жойлашган», деган эканлар. Сизнингча ақл, идрок, юрак қандай мадад беради ижодга?**

— Мен бу нарсаларни ўзаро боғлиқ деб ўйлайман. Ақл, идрок ва юракда катта жасорат бўлмаса, ижод узоққа бормайди, ярим йўлда қолиб кетади.

**— Ҳозирги кунларда нима ишлар билан бандсиз?**

— Асосан ҳар хил тадбирлар ва институтларда ўқкзилаётган талабалар билан учрашувларда қатнашяпман, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувларида талай ролларни ижро этаяпман. Шунингдек, асосий вақтимни оиламда набираларим даврасида бўлишга сарфлайман. Оиладаги ўзаро яқинликка нима етсин.

**— Ҳозирги ёш театр актёрлари ижодига қандай қарайсиз?**

— Жуда ҳам ижобий. Улар изланувчан, интилувчан, шу билан бирга замонага монанд қадам ташлашмоқда.

**— Аммо театрда халқ назарига тушган марҳума Зайнаб Садриева, Сора Эшонтўраева, Икрома Болтаева каби ёрқин истеъдод эгалари издошлари бармоқ билан саналгудек оз?**

— Ҳа, бу ҳақиқат. Истеъдодлар ҳар доим ҳам туғилавермайди. Баъзан бу ҳақда мен ҳам ўйлаб қоламан. Балки шароит шуни тақозо қилаётгандир. Ҳозир актёрнинг оладиган маоши унинг эҳтиёжларини қондира олади, деб айта олмаймиз. Аммо ҳақиқий истеъдод эгаси ҳар қандай дамда ҳам ўз талантини қадрлайди. Актёрлик мураккаб, оғир, шу билан бирга шарафли касб, уни эъзозлаш шарт. Чунки биз халқ дарди, ташвиши, қувончларини юрагимизга жойлаб роль ўйнаймиз, бу унчалик ҳам осон иш эмас.

**— Сиз 16 ёшингиздан буён саҳнадасиз. Саҳна сизга нима берди?**

— Мен ўзимни санъатга бағишладим. Санъат эса мени машҳур қилиб элга танитди. Санъатим — меҳнатим туфайли обрў топдим, халқ олқишига, меҳрига сазовор бўлдим. Асосийси элу юртнинг ардоғидаман ва бундан жудаям хурсандман.

**— Тўти опа, «Тошкент оқшоми» газетаси жамоасига тилакларингиз.**

— Мен 1994 йили ҳам айнан «Тошкент оқшоми» газетасига интервью берган эдим. Орадан ўн йил ўтиб яна сизлар билан учрашиб турибман. Яна фасллар келинчаги бўлмиш баҳор, яшариш ва янгиланиш байрами Наврўзи олам арафасидаги қутлуғ кунларда. Жудаям хурсандман. Газетангизни кузатиб бораман, кейинги йилларда серқирра рукнларга бой саҳифалар билан тўлиб бораяпти. Театримизда ҳам севиб ўқишади. Бундан кейин ҳам муштарийлар газетангизни севиб, излаб ўқиб юришсин. Кириб келаётган Наврўз байрами барчамизга муборак бўлсин.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Гулчеҳра САТТОР қизи**
**суҳбатлашди**

*Тадбирлар*

## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Пойтахт ўқувчилари билимдонликда куч синашиб, фан олимпиадаларининг учинчи босқичида ҳам фаол иштирок этиб, республика босқичига йўлланма олдилар.**

Куни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабда олимпиада ғолибларини тақдирлаш тадбири ўтказилди. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Анвар Зокиров турли фанлар бўйича ғолибликни қўлга киритган 82 нафар олимпиада иштирокчиларига Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларини топшириб, республика босқичида ҳам биринчиликни олиб, шаҳар юзини ёруғ қилишларига ишонч билдирди. Тадбир сўнгида мактаб қошидаги «Юлдузча» ансамбли томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар йиғилганлар кўнглини хушнуд этди.

**Маҳмуда ЗОИРХОН қизи.**


Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1993 йил 12 июнда Дилшод Тошпулатович Касимов номига берилган Д АО 047191 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

# ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

***2004-2005 йилги иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида, 2004 йилнинг 22-мартидан 1-апрелигача Тошкент шаҳрида қувурлардан фойдаланиш бўйича гидравлик хусусиятлари кўрсаткичларини аниқлашга доир ва иссиқлик тармоқлари ва иссиқ сувнинг энг юқори ҳарорати синовлари ўтказилади ва шу муносабат билан қуйидаги ҳудудларда иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти бўлмайди:***

3-ИМ; 30-март куни – Беруний, Ўзбекистон, Ниёзов, А. Хўжаев, Фурқат, Ген.Узоқов, Самарқанд дарвоза кўчалари, Навоий, Абай, Халқлар дўстлиги, Афросиёб шоҳ кўчалари, Чорсу, Қоратош, Беруний, Олмазор, Бешёғоч, М-14, М-10,11, М-26,27,28, Б-1, Б-2, Б-3, Қорақамиш-2/1, 2/2-турар жой мавзелари.

8-ИМ; 1-апрель куни – Сергели 1-8А, Спутник -8,15,16,17, Дўстлик-1, 2 турар жой мавзелари

2004 йил 22-мартдан 26-мартга қадар иссиқлик тармоқларининг энг юқори ҳароратга синовлари ўтказилади, шу сабабли иссиқ сув энг юқори ҳарорат билан берилган вақтда истеъмолчилар иссиқ сув таъминотини ўчириб қўйишлари лозим. Болалар боғчалари, уйлари, ўқув ва даволаш муассасаларида иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тўлиқ ўчириб қўйилади.

1-ИМ; 22-март куни – Акад.Х.Абдуллаев, Ж.Обидова, Ф.Хўжаев, Мўминов, Буюк Ипак йўли, Раҳматуллин, Доғистон, Сайрам, Оққўрғон, Эргашев, Пушкин, Муҳитдинов кўчалари, Ялонғоч, Бўз-1 (Черданцев-1), ТошГРЭС қўрғони, Тошқишлоқмаш, Пушкин – Пишпек, Чизел, Пушкин – Салор, Ген.Петров турар жой мавзелари.

2-ИМ; 24-март куни - Т. Малик, Иркутская, Матқобулов, акад.Х.Абдуллаев, Қодиров, Ш.Бурхонов кўчалари, Қора сув-1,2,3,4,6, Хумоюн, Бўз-2 (Черданцев - 2), Феруза турар жой мавзелари, Геофизиклар қўрғони.

3-ИМ; 24-март куни – Беруний, Ўзбекистон, Ниёзов, А.Хўжаев, Фурқат, Ген.Узоқов, Самарқанд дарвоза кўчалари, Навоий, Абай, Халқлар Дўстлиги, Афросиёб шоҳ кўчалари, Чорсу, Қоратош, Беруний, Олмазор, Бешёғоч, М-14, М-10,11,М-26,27,28, Б-1,Б-2, Б-3, Қорақамиш-2/1,2/2 турар жой мавзелари.

4-ИМ; 25-март куни – А. Темур, Ҳ.Асомов, Эргашев, Ғ.Мавлонов, Муртазоев, Хуршид, Ж. Обидова, Бодомзор, Шаҳристон, Гвардиячилар, Ҳ.Олимжон, Пушкин кўчалари, Ҳ.Олимжон майдони, Ҳасанов, А.Темур, Каймаков, Ғ.Ғулом, Шамсутдинов, Бобожонов, Хуршид, А.Қодирий, А.Ҳидоятов кўчалари, М-17,18 (Себзор), Тахтапул, М-12,13,М-15, Қорақамиш-1/1,1/2,1/3,1/4 турар жой мавзелари, Юнусобод мавзеси 1-19 даҳалари.

5-ИМ; 26-март куни – Чилонзор турар жой мавзеси 6-12, Ц, Г9А, 16-20А даҳалари, Дўмбробод, Оқтепа, Қизил шарқ, Гулистон турар жой мавзелари, Я.Купала, Муқимий, Фарҳод, Чўпонота (Волгоград), С.Мираҳмедов, Наққошлик кўчалари

*Қувурларда носозликлар бўлиши мумкинлиги ҳақида Сизни огоҳлантириб қўйишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Йўл ва кўчаларнинг қатнов қисмига ва йўловчилар йўлкаларига иссиқ сув сачраши, тошиши эҳтимоли мавжуд, ҳайдовчилар ва пиёдалардан, маъмурий ва турар жой биноларида бўлган одамлардан эҳтиёт бўлишлари талаб этилади.*

*Вақтинча ноқулайликлар учун бизни тушунасиз деб умид қиламиз. Ноодатий ҳолатларни сезишингиз билан 133-32-32 телефонига қўнғироқ қилишингизни сўраймиз.*

# Наврўзинг муборак, азиз Ватаним!

*Наврўз айёми! Бу сўзларни баҳор фаслининг бир палласидай оддийгина тилга олмаймиз. Қувониб айтамиз. Ўша заҳоти юрагимизда кенгликларни ҳис этамиз. Қорачиғларимиз яшиллик, нафасимиз хуш бўйлар билан туташгандай бўлади. Айрилиқдан сўнг соғинганини учратиб, исмини такрор-такрор айтиб, ҳар айтганида севинган кишидай биз ҳам Наврўз, Наврўз дея такрорлаймиз.*

## ЮРАККА СИҒМАГАН ТУЙҒУЛАР

**Яна кўк ранглари қайтган бағрингда,**
**Юртим, кўнглим тўлиб юриб қувондим.**
**Кузнинг заҳматидан, қишнинг заҳридан**
**Омон чиққанингни кўриб қувондим.**

Шукр, яна офтобли кунларга етдик. Болакайларнинг юраклари варрак шаклида осмонларга талпинади. Болалар тугул, катталар ҳам ҳадеб кўкка кўз тикади. Энг моҳир қўл чизган кўзмунчоқдай бир текис учаётган турналарга қараб қўлларини силкиб қўяди.

Қуёш бир меҳрибон:

**Тоғларнинг бўйнига минган муз юкни,**
**Оҳиста итариб туширди.**
**Лолалар ақлли:**
**Алвонранг кўйлаклар кийиб,**
**тоғларнинг**
**Кўримсиз жойларин яширди.**
**Ялпизлар куюнчак:**
**Икки қирғоқ аро сиқилмасин деб**
**Тўпланиб келишди сувнинг қошига,**
**Дарахтлар бир аҳил:**
**Шавқ билан қўлига тизган гулларин**
**Баравар кўтарди бари бошига...**

Наврўзда ҳаяжонлар улканлашади. Худди куртакларга гуллар сиғмай бодраб чиққандай, худди тупроққа сиғмай гиёҳлар кўкаргандай юракларга ҳам туйғулар сиғмайди. Шеър, қўшиқ бўлиб уйғонади ҳиссиётлар. Шундай лаҳзаларда менга инсон ҳар қандай яхшиликларга қодирдай туюлади. Ҳеч бир муаммо олдида у заиф келмайдигандай кўринади.

Дошқозонда атрофга хушбўй таратиб қайнаётган қаҳраборанг сумалак, чарсиллаган олов атрофида юзлари лолаланган қиз-келинчаклар, дуогўй момолар, чирмандалар оҳангига мос жаранглаётган «Омон ёр»лар худди мангуликка туташдек. Қирларда ёлларини байроқдай ёйиб кўпкари чопаётган тулпорлар, шафтоли гулидай ним пушти ёноқларида уялиш, кулимсираш ила саломга эгилган янги келинчаклар ҳам абадий шу тарзда қоладигандек.

Бағрига дон-уруғ тушган бўзтупроқнинг тароватии, ҳар қарич ерга, ҳар дона уруғга умид кўзлари билан тикилаётган деҳқоннинг суврати ҳам сира ўзгармайдигандек...

Мен Наврўз гўзалликлари, уйғонишлари, уйғотишларига шу қадар қаттиқ ишонаман, уни Ёзга бергим келмайди.

**Куртаклар уйғонди, бир хил оғочлар,**
**Минг хили гул бўлди, минг хили**
**япроқ,**
**Насимлар уйғонди, бирдан жаранглаб,**
**Очилди боғларнинг йўқолган тили.**
**Биз-да ўзгачамиз шу жонли дамлар**
**Қуйиб ёғар қалбга ҳаяжон сели...**

Ҳа, ҳақиқатан ҳам ҳаммаёқ ёруғлашгандек, осмоннинг юзи очилиб, булутлар оқариб, дунё мунавварлашгандек, одамлар ҳам яхшилик билан яхшилангандек. Гўё бу мунавварликда ғуборли ҳиссиётлар орасталангандек.

Энди қайдадир ўқ узилмасдай, қон тўкилмасдай, портлашлар содир этилмасдай, ёнғинлар чиқмасдай... Ёлғон, фитна, ҳасадлар ҳижолат тортардай Наврўзга киргани...

**Фикримиз дарахти шиддатли ўсар,**
**Тинар қароғимиз ёшланишлари.**
**Бу ҳам уйғонишми, йўқ, ҳали дўстлар,**
**Ҳали уйғонишнинг бошланишлари...**

Наврўзи айём кечинмаларим хаёлпарастлик эмас. Сизда ҳам шундай туйғулар яшаётганига ишонаман.

Келинг, шу сезгилар тирик турганда, қор остидан бош кўтарган бойчечакдай ширин эканлигида Наврўзга бирга пешвоз чиқайлик. Ташрифинг кўз устига, дейлик. Унда яшайлик, сўнг бу меҳнат байрами, уйғониш, ғолиб руҳ, эзгулик айёми биз билан қолсин! Бир дўстдай, бир қадрдондай...

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА**

Улуғ донишмандларимиздан бири Фаридиддин Атторнинг: «Кексаларни этсанг азизу ҳурмат, Сени ҳам кексайгач этишар иззат» деган сўзлари ҳар биримизнинг ёдимизда бўлиши керак. Хонадонларимиз нуроний бува ва бувиларимиз, кексайиб қолган ота-оналаримиз билан файзли ва нурафшон. Уй тўрида савлат тўкиб, юзларида меҳр нурлари балқиб турган дуогўй қарияларимизнинг доно маслаҳатлари, панду насиҳатлари, ўгитлари ёшларнинг ҳаёт йўлини доимо мунаввар этиб туриши муқаррар. Улар билан хонадонларимиз обод, саранжом-саришта.

Қарилик — улуғлик, дейдилар. Мана шундай ёши улуғ кексаларнинг кўнгилларига қараб, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, ғанимат эканликларини ҳис этиб, дуоларини олиш катта шараф. Шаҳримизнинг «Кўкча» маҳалласида уч фарзанди, 17 невара, 40 та эвара ва 7 та чеваралари ардоғида кексалик гаштини суриб, шундай дориломон кунларга етказганига шукроналар билдираётган Зуҳра ая Муҳиддиновага ҳамма ҳавас қилади. Чунки ая бу йил январь ойида қутлуғ 101 ёшни қарши олдилар. Бу шодиёна таваллуд кунни оила аъзолари ва маҳалла аҳли Исломобод гузарида яхши ниятлар билан онахонни эъзозлаб, тантанали нишонлашди. Албатта кексаликнинг ўзига яраша гашти ва файзи бўлакча. Аяни қутлаб келган меҳмонлар у кишининг суҳбатларини, дуоларини олишга ошиқишарди.

Биз ҳам Наврўз айёми арафасида Зуҳра аянинг файзли хонадонларига ташриф буюриб, дилдан суҳбатлашишга жазм этдик. Уй тўрида, меҳмонлар қуршовида юзларидан нур ёғилиб турган мунис ва нуроний икки онахон билан кўришар эканман, булар эгизак эмасмикан, деган хаёлга бордим.

— Булар онам Зуҳрая ая, ёнларидаги сингиллари, холам Назми ая бўладилар, — дея таништирди Зуҳра аянинг қизлари Дилбар опа. — Бу икки опа-сингил кўп йиллардан буён шу ҳовлида укам Рустамжон ва келиним Наимахон билан яшаб, уларнинг ҳурмати-эъзозидалар. Биз икки қизлари Зулфия опам ва мен ҳам ҳар икки кунда онамиз ва холамизнинг холларидан хабар олгани келиб турамиз. Набираларни айтмайсизми, уларга шундай меҳрибон, атрофларида доимо парвоналар. Айниқса жиянларим Дилшоджон ва Дилмуроджон, қўш келинлар — Нодирахон ва Наргизахонлар ҳам бу икки нуроний онахоннинг хизматларини, дуоларини олишмоқда.

Чеҳраларида ҳаётларидан мамнунлик, бахтиёрлик уфуриб турган Зуҳра аяни суҳбатга тортиб, дил сўзларига қулоқ тутдим.

— Нима ҳам дейман, ҳаётимдан мамнунман. Аввало шундай ёруғ ва фаровон кунларга етказганига шукр. Мустақиллигимиздан айланай. Шундай тўкинчилик, ҳурлик замонида яшаяпмиз. Президент ўғлимга ҳам раҳмат. Кўп яхши ишларни амалга ошираяпти. Илоҳим умридан барака топсин, менинг ёшимга етиб юрсин. Ҳаётда не-не қийинчиликларни кўрдик. Ҳаммасини сабру бардош билан енгиб келяпман. 37 ёшимда бева қолиб уч фарзандимни фақат ҳалол меҳнат қилиб боқдим, уларни ўқитиб, уйли-жойли қилдим. Худога шукр, болаларимнинг орзу-ҳавасларини кўриб юриш насиб этди. Ҳаммаларидан розиман. Наврўз байрамларимиз қайта тиклanganидан жуда хурсандман. Бу ҳаётнинг қадрига етиш керак.

Шундан кейин Зуҳрая ая дуога қўл очиб ҳаммани узундан узоқ дуо қилиб,юртимизга тинчлик тиладилар.

— «Қариси бор уйнинг париси бор» деб бежиз айтишмас экан. Ҳақиқатан ҳам уйимизга файз-барака киритиб турган ойижонларимиз билан хонадонимиз обод, — дея суҳбатимизга қўшилди Зуҳра аянинг келинлари Наима опа. — Байрам кунлари айниқса уйимиз меҳмонларга тўлиб, катта шодиёнага айланади. Мана 29 йилдан буён шу хонадонда ойимлар билан қайнона-келин эмас, она-боладек аҳил-тотув яшаб келаяпмиз. Жуда оққўнгил, меҳрибон, меҳнатсевар бўлганлар. Мени ўз қизларидек кўрадилар. Шунинг учун онамизни жуда яхши кўриб, ҳурматларини жойига қўйишга ҳаракат қиламиз. Ойижоним набираларига ҳам жуда меҳрибонлар. Улар сал ишдан кечикиб қолгудек бўлишса, хавотир олиб сўроқлайверадилар. Илоҳим яна узоқ йиллар соғ-омон бўлсинлар, уларнинг ёшларига етиб юрайлик, деб ният қиламиз, дуоларини олишга интиламиз.

Ҳақиқатан ҳам бу оилада икки нуроний онахон Зуҳра ая ва у кишининг сингиллари 80 ёшли Назми аянинг суҳбатлари ва дуоларини олиш учун қўни-қўшнилар ҳам тез-тез чиқиб туришади. Маҳаллада энг намунали бўлган бу оилага ҳамма ҳавас қилади. Кўпчилик ибрат олишга интилади.

Ҳа, орамизда мана шундай пиру бадавлат инсонлар, меҳр-оқибатли оилалар борлигидан фахрланамиз. Фарзандлари эъзозидаги табаррук онахонларнинг дуоларини олиб қайтарканмиз, ҳамма-ҳаммага ҳам шундай улуғ ёшга етиб юришлик, фарзандлари эъзозида бўлиш насиб этишини тилаб қолдик.

**Дилором ИКРОМОВА**

*Пиру бадавлатларимиз*

### ЁРУҒ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

***Халқимизда қадим-қадимдан ёши улуғ, кўпни кўрган, бой ҳаётий тажрибаси бор кексаларга ҳурмат-иззат ва икром баланд бўлган. Оппоқ соқоли кўксига тушган очиқ чеҳрали нуроний отахон ва оқ дока рўмол ўраган мулойим,мунис онахонларнинг бир этак невара-чеваралар қуршовида бахтиёр ва шодумон эканликларини кўрган ҳар қандай кишининг дилида ана шундай бахтли дамларга етиш, кексалик гаштини суриш иштиёқи туғилса ажаб эмас.***



**СУРАТДА: Зуҳра ая эваралари билан.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**









## ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН АЙЁМ

***Ўлкамиз бўйлаб баҳор шабадаси эсмоқда. Фасллар келинчаги — баҳор ўзи билан Наврўзи оламни олиб келди. Далаю қир-адирлар тобора яшиллик либосига бурканаётир. Кўклам нафасию шабадаси киши қалбига ғуруру сурур бағишламоқда.***

Атоқли олим Ходи Зариф Наврўзи оламнинг ёшини камида уч минг йил деб ҳисоблаган. Ўзининг асарларида деҳқонларнинг Наврўзга айтадиган қўшиқлари ҳақида маълумот қолдирган.

Қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча билан кундузнинг баробар келиши, табиатда жонланиш, баҳорнинг бошланиш давридир.

Буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг «Китоб ат тавҳим» («Тушунтириш») ва «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарларида Наврўз ҳақида маълумотлар берилади. Наврўз баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан то гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда насл вужудга келгунча ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан то такомиллашгунича давом этган вақтга тўғри келиши баён этилади.

Ҳикоятлардан бирида Аббосийлар халифаси Ал-Маъмун (819-833 йилларда) ўзининг яқин кишиси бўлмиш Али ибн Мусо ар-Ризодан: «Наврўз нима?» — деб сўраганда, у «Наврўз — фариштaлар улуғланган кундир, чунки улар шу куни яратилган, уни пайғамбарлар ҳам улуғ тутганлар, чунки қуёш шу кунда яратилган, у заминнинг биринчи кунидир» — деган.

Афсонаю ҳикматларда Наврўзнинг қуёш, олов, баҳор билан боғлаб изоҳланиши, бу байрам қадимги одамларнинг баҳорий удумлари замирида шаклланганлигини кўрсатади.

Тарихий манбаларга қараганда Наврўз байрамини ўтказиш аҳмонийлар давридан бошлаб, анъанага айланиб қолган. Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон халқларида энг катта байрамлардан бири ҳисобланган. Наврўз бу ҳудудларда яшаган қадимги деҳқонларнинг баҳорий удумлари, кўкламни, умуман табиатни эъзозлаш, сув, олов, тупроқ, қуёшга сиғиниш билан боғлиқ маросим ва эътиқодлари асосида уч минг йиллар бурун пайдо бўлган умумхалқ байрамидир.

Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» китобида ёзилишича, Наврўз байрами ўтказишнинг шоҳлар учун махсус тартиб-қоидаси бўлган. Уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, ота-она, яқин кишилар билан дийдорлашиш, марҳумларнинг қабрларини зиёрат қилиш кабилар оддий халқ орасида ҳам одат тусига кириб қолган.

Бошқа халқлар сингари, ўзбеклар ҳам бу кунни қадим замонлардан буён янги йилнинг бошланиши, деб қувонч билан қарши олганлар. Наврўз энг аввало кишиларни табиат гўзалликларини асраш ва севишга ундайди, шу боисдан бўлса керак, халқимиз Наврўзни ризқу-рўзимиз байрами деб атайдилар.

Албатта, Наврўзи оламнинг файзи ўзгача, таърифи чексиз. Чунки бу куни кишилар ўртасидаги гина-кудуратлар кўтарилади. Ҳамманинг қалби қувончларга тўлади. Байрам кунлари ҳеч кимнинг оғзидан ёмон сўз чиқмаган. Нимаики яхшиликка, эзгуликка доғ тушириадиган бўлса, ҳаммасига барҳам берилган. Ширин муомала, тоза кийиниш, ҳамманинг юзидан табассум аримай юриш лозим бўлган.

Наврўз кунлари мотам маросимлари ўтказилмаган.

Ўтмиш замонлардан бошлаб турли босқинчилар Шарқ халқларининг умумий байрами Наврўзни йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилдилар, тақиқладилар. Аммо подшо саройларида расмий нишонланмаган бўлса-да, халқ ўз севган байрамини давом эттирган. Наврўз барҳаётлигича қолаверди. Наврўз байрамига нисбатан аралашув, унга диний тус беришлар мустабид тузум пайтида ҳам содир бўлди. У асоссиз равишда тақиқлаб қўйилди.

Мустақиллик шарофати билан Наврўз умумхалқ байрамига айланиб, йилдан-йилга сермазмун тус олмоқда. Халқимизнинг бой, қадимий бадиий ижодиёти бугун борлиғи билан намойиш этилмоқда.

**Замира ХЎЖАЕВА,**
**Низомий номидаги Ўзбекистон Давлат педагогика университетининг III курс талабаси.**

*Дил тубидан*

## ҚЎЙНИ-ҚЎНЖИ ТЎЛИБ НАВРЎЗ КЕЛЯПТИ

***Гиёҳларда ёхуд миттигина куртаклари бўртган новдаларда осилиб турган ёмғир томчисини кўрганмисиз? Унда нималар акс этишини ҳеч ўйлаганмисиз? Осмону фалакдан ерга тушиб, майсадан тортиб, азим чинорларгача жон ато этган, борлиқни уйғотган, сувга сероб қилган баҳор ёмғири мана шу оддийгина томчилардан иборат. Агарки табиатга жон ато этса, оддийгина томчи эмас экан-да, сеҳрли қудратга эга экан-да.***

Таърифини қилганимиз миттигина томчи йилбошимиздан, янги кунимиздан, суюк ва буюк Наврўзимиздан элчидир. Унинг элчилиги шундаки, қишнинг қаҳрини кесади, она замин бағрини юмшатади, гулларнинг юзини ювади, илиқлик бағишлайди. Ана энди кўринг илоҳий бу қудратни: яланғоч новдалар гулга бурканади, ҳа-ҳув дегунча замин қўйнига яшил гиламлар ёзилади. Миттигина чечаклар чирой очади, томбошию ариқлар гулхонага ўхшаб қолади. Қатрада қуёш акс этади, деган ҳикматли нақлларнинг туғилишига сеҳрли томчи сабаб.

Буюк ватандошимиз алломаи фахризамон Ҳаким Ат Термизий ўзининг "Наврўзнома" асарида ёзади: "Агар Наврўзи олам якшанба куни доҳил бўлса Шамс (Қуёш)га тааллуқли бўлур. Ул йил неъматлар кўп бўлиб, тўқлик бўлгай, фитна ва ёмонлик оз бўлгай, ғўзаларга яхши бўлгай, полизлар ва экинлар сероб бўлгай ва деҳқонларнинг экини битгай...Экинларни эртароқ экмоқ керак".

Алломанинг башоратлари бу йилги Наврўзимизда мустажоб бўлиб турибди: Наврўз якшанба кунида ўз шарофати билан эшик қоқмоқда. Демак, 2004 йил — Меҳр ва мурувват йилидаги Наврўзимиз қўр-қутли, хайр-баракотли бўлиб келяпти.

**Ёмғирлар ёғади, осмондан сим-сим,**
**Гўё булут йиғлар, оҳиста юм-юм,**
**Чақмоқ чақиб қолар: йиғлатган ким-ким,**
**Она замин қўру қутга тўляпти**
**Қўйни-қўнжи тўлиб Наврўз келяпти.**
**Томчилар худдики маржон донаси**
**Фалак тоқидадир унинг онаси,**
**Ювар мажнунтолнинг зулфи шонасин.**
**Қалбларда тозариш, туғён бўляпти.**
**Қўйни-қўнжи тўлиб Наврўз келяпти.**

Шундай лаҳзаларда ҳар бир инсон болалигини эслайди. Дориломон дамларнинг лаззатини туйгандек, лекин аччиқтоши чиққанда куйгандек бўлади. Эсимда, илк баҳор кунларида қўни-қўшнилар ғимирлаб қолишди: сумалак қиламиз, ҳалим қиламиз, кўк сомсалар ёпамиз. Болаларимиз бир яйрашсин.

Ҳозирги Тансиқбоев мавзесининг охирида чимзор, яланглик бўларди. Ўша ерга жой ҳозирланди. Йигирма-ўттиз хонадон биргалашиб, дастурхон ёзди, нозу неъматлар сероб: кўк сомсаю кўк чучвара, анвойи жиззали, пиёзли нонлар, қатламаларни санаб адо қилолмайсиз. Биз болаларнинг жони кириб қолди. Ҳали чиллак, ҳали беркинмачоқ, ҳали копток ўйнаймиз. Сал тикрок болалар кураш тушади. Ҳаммани йиқитган бола ғолиб бўлиб, сумалак, ҳалим пиширилаётган қозонни кавлаш ҳуқуқини қўлга киритарди. Кун пешиндан оққандан кейин ердан чиқдими, осмондан тушдими, Қадамбой амаки пайдо бўлиб қолди. Ярим ҳарбий кител, галифе шим кийиб юрадиган бу одамдан барча ҳайиқарди. Тўғрироғи, қўрқарди. Ўзиям бир сандиқ қоғоз-қаламми бор бу кишининг дейишарди.

— Хўш, — деди у аввал дастурхонга, кейин хушбўй ҳид таралиб турган қозонларга қараб. — Нима қиляпмиз? Кимдан сўраб қиляпмиз?

—Ҳа, энди Наврўз, ота-боболаримизнинг урфини қилаяпмиз, — деди оғзи ботирроқ Шоназар ака.

— Так, — деди Қадамбой амаки. — Бу эскилик сарқити. Тўхтатилсин.— Кейин сомсаларнинг бирини иккига бўлди. — Нега табиатга озор берасизлар? Бу ишингиз нотўғри. Ёзаман ҳаммасини. — Сўнгра катта челакни олиб, шўр сувга тўлғизди-да, пишай деб турган ҳалимга ағдарди...

Болалигимнинг илк Наврўзи шундай тугалланган эди.

Бугун ҳур диёримда ўзгача ҳиммат, ўзгача ҳурмат. Бир-икки ой олдин Наврўз тантаналарига тайёргарлик бошланади. Умумхалқ ҳашаридан кейин пойтахтимиз худди сочини тараган ўн саккиз яшар қиздек чирой касб этади. Бу шоиримиз Алишер Навоийнинг улуғвор ҳайкали қад ростлаб турган Миллий боғда Наврўз шодиёналари бўлиб ўтади. Шоиримизнинг ўзи тўйбоши бўлиб, фотиҳа бераётгандек: "Ҳар тунунг қадр ўлубон, Ҳар кунинг ўлсун Наврўз". Пойтахтдан таралган наво мамлакатимиз бўйлаб садо берaди. Дошқозонларда ҳалиму сумалаклар сизга мунтазир. Ўзбекистон бағрида яшаётган халқлар — миллатидан қатъи назар Наврўзни ўз байрамидек кутиб олади, нишонлайди.

Бугун пойтахтимиз узра Наврўз наволари янграмоқда. Ҳар бир қўшиқда, куйда, ҳар бир чеҳрадаги табассумда Наврўз нашидаси намоён. Шунда дилингдан туйғулар қуйилиб келади: Эй она юртим, азалим қадр-қиммат айёми муборак сенга.

**Чеҳраларда ёнар қуёшдек кулгу,**
**Бу кулгу озодлик, ҳурликдан улгу,**
**Эй азиз юртдошлар, дилдан сўз шулки,**
**Олам бугун шўху шодон куляпти,**
**Қўйни-қўнжи тўлиб Наврўз келяпти.**
**Мангу бўлсин Наврўз берган тароват,**
**Ҳар бир хонадонда бўлсин ҳаловат,**
**Меҳру мурувват боқий саодат,**
**Оқибат, саховат байроқ иляпти,**
**Қўйни-қўнжи тўлиб Наврўз келяпти.**

Бу менинг эмас, барчанинг қалбида қайнаб турган туғёндир.

**Темур УБАЙДУЛЛО**


ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ
Пойтахтимиз меҳнаткашлари ва юртдошларимизни
табиат уйғониши тимсоли,
баҳор ва гўзаллик байрами —
Наврўзи олам
билан самимий муборакбод этади !
Наврўз ҳар биримизга бахт-саодат,
хонадонларимизга қут-барака, қалбларимизга
олам-олам қувонч олиб келсин !


Халқаро «Наврўз» хайрия
жамғармасининг Тошкент шаҳар
бўлими жамоаси ҳамшаҳарларимизни
гўзаллик, нафосат ва янгиланиш
рамзи бўлмиш Наврўзи олам
билан муборакбод
этади.
Юртимиз тинч,
дастурхонимиз тўкин бўлсин.
Меҳр ва мурувват йилимиз янада
омадли ва файзли ўтсин.



# ТОШКЕНТ ШАҲАР БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

**Ўлкамизга кириб келаётган уйғониш, янгиланиш ва эзгулик айёми — Наврўз байрами билан ҳамшаҳарларимиз, спорт соҳаси ходимлари ва эртамиз келажаги бўлмиш болажонларни самимий муборакбод этади. Тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, омад ҳамиша сизларга ёр, ўзбек спорти байроғи эса доимо сарбаланд бўлсин!**

*Тақдимот*

## АДИБАНИНГ ЯНГИ АСАРИ

***Яқинда Миллий матбуот марказида таниқли адиба Саломат Вафонинг «Тилсим салтанати» деб номланадиган янги асарининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

Унда адабиётшунос олимлар, ёзувчилар, маҳаллий ОАВ ходимлари, адабиёт мухлислари, Ўзбекистон Миллий университетининг Олий адабиёт курси тингловчилари иштирок этишди.

— Саломат Вафонинг бу асари ибратли аёлларнинг сyврати ва сийрати ҳақидаги бадиий тасаввурларимизни кенгайтиради, — деди таниқли адабиётшунос, профессор Абдуғафур Расулов. — Шу боисдан бугунги авлод бу романни кўп ва хўп мутолаа қилишлари керак.

Дарҳақиқат, таниқли адибанинг янги романи ўтмиш даврларининг бадиий чизгиларини тўлиқ акслантириб бера олгани, эпизодларнинг муаллиф фантазияси билан ишонарли тарзда қоришиб кетгани, мавзу долзарблиги, бадиий етуклиги жиҳатидан бошқа асарларидан ажралиб туради.

Анжуманда сўз олган филолог олимларимиздан бири Сайди Умиров йиғилиш қатнашчиларига бу ҳақда тўлиқроқ гапириб берди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

*Наврўз дастурхонига*

## ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШДИ

***Ҳар бир соҳа ходимлари байрамга муносиб совға ҳозирлашга интилади. Аҳоли дастурхонини тўкин ва файзли бўлишини ният қилган шаҳримиздаги «Nonash» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам Наврўз дастурхонини ўзларининг янги маҳсулотлари билан безашга аҳд қилишди.***

Куни кеча корхонада замонавий линиялари асосида тайёрланган яна бир янги маҳсулот — ширин тешиккулча харидорларга етиб борди. Ташкил этилганига эндигина 2 йил бўлган ушбу корхонада ишнинг тадбиркорлик билан олиб борилаётганлиги, бозорнинг мукаммал ўзгартирилаётганлиги катта самара бериб, замонавий дастгоҳлар асосида маҳаллий хом ашёдан четники ўрнини босадиган, рақобатбардош қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.







— Ҳозирги кунда маҳсулотларимиз тури 10 хилдан ортиб, — дейди корхона муассиси Шукурулла Файзуллаев, — энг муҳими уларнинг харидорлари сафи кенгайиб бормоқда. Айни пайтда маҳсулотларимизни республикамиздаги 550 тадан зиёд савдо шохобчаларига етказиб беряпмиз. Шунингдек, Самарқанд, Хоразм, Фарғона вилоятларида ўз харидорларимизга эгамиз. Биз бунинг учун маркетинг ишларини яхши йўлга қўйдик, натижада маҳсулотимиз сифатига алоҳида эътибор қаратдик. Сифатли маҳсулот харидор чақиради, дегани ҳақиқат экан. 2002 йилда 57 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлсак, ўтган йилда 97 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 22 миллион сўмдан зиёд соф фойда олишга эришдик. Жорий йилда эса маҳсулот турларини янада кўпайтириш мақсадимиз бор. Бунинг учун эса янги хорижий ускуналар келтиришни, шу асосда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, янги иш ўринлари яратишни ҳам кўзда тутганмиз. Албатта, маҳсулот экспорти хусусида ҳам ўз режаларимиз бор. Бунинг учун эса биринчи навбатда маҳсулот сифати ва қадоқланишига эътиборни асло сусайтирмаслигимиз лозим.

Шуниси қувонарлики, тадбиркорлар учун ўтган йил ҳам муваффақиятли келган бўлса, янги йил ютуқлар билан бошланди. Негаки, 2003 йилда улар Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ташаббуси билан юртимиздаги кичик ва хусусий корхоналар ўртасида ўтказилган «Энг яхши бизнес-лойиҳа» танловида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди ва 125 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиш ҳуқуқига эга бўлди. Жорий йилда эса «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг Юнусобод туман босқичида «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлишди.

Меҳр ва мурувват йили ҳамда Наврўз айёми муносабати билан корхона аҳли маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар ва ёлғиз кексаларга ёрдам қўлини чўзишни, уларга саховат кўрсатишни ҳам ёдларидан чиқаришмади. Чунки улар ҳамиша «Савобнинг етти дарвозаси бор» деган нақлга амал қилишади. Шу боис ҳам тадбиркорлар янги-янги ютуқларга эришаётган бўлса ажаб эмас.

**Шарифа ИЛЁСОВА,**

**СУРАТЛАРДА: Наврўз шодиёнаси арафасидаги муваффақият—туманда «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлиш корхона таъсисчиларини мамнун этди; оператор Рамиль Гизатуллин сифатли маҳсулот тайёрлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.**

*Санъат*

## ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

***Бу сафарги халқаро модалар фестивали Пятигорск шаҳрида ўтказилди. Унинг ишида ижодкор талаба ёшлар ҳам фаол иштирок этдилар.***

Ўзбекистондан вакил бўлиб борган Тошкентдаги талабалар «Модалар театри» тақдим этган буюмлар кўпчиликка манзур бўлди. Чиндан ҳам Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузурида фаолият кўрсатаётган бу театр тикув буюмларини лойиҳалаш ва дизайни бўйича кўпгина янгиликларни амалга оширди.

Енгил саноат маҳсулотлари мутахассислиги бакалаврлари изланишлари айниқса юқори баҳоланди.

Шу сабабли ҳам халқаро фестивалда «Модалар театри» биринчи ўрин соҳиби бўлиб, ёруғ юз билан қайтди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Наврўз дастурхонига*

## ҚУВВАТБАХШ ТАОМ

***Қишнинг изғирини таслим бўлиб, баҳор нафаси сезила бошлаган кунлардан бошлаб, то ёз бошлангунига қадар жаннатмакон ўлкамизнинг мусаффо осмонида мўъжизакор ис таралади. У — сумалак иси! Ёшу қарига қувват бағишлаб, минг дардга даво бўлгувчи сумалакнинг иси у!***



Сумалакни ёшу қари баробар севиб истеъмол қилади. Баҳор келиши билан кўпчилик хонадонда сумалак тайёрлашга ҳаракат қилишади, айримлар эса мавсум давомида иккиуч бор пишириб олишади ҳам. Уддабурон аёллар сумалакни ўз хонадонларида пишириб, шиша банкаларга ёпиб, қишга олиб қўйишнинг ҳам йўлини топишди. Шуларни назарда тутган ҳолда кам миқдорда сумалак пишириш усулини сиз, азиз муштарийлар эътиборига ҳавола этсак.

Унча катта бўлмаган бир оилада сумалак пишириш учун икки килограмм жайдари ёки қайроқи навли буғдой, саккиз-тўққиз килограмм ун ва уч килограмм пахта ёғи керак бўлади. Ушбу масаллиқни ўттиз литр ҳажмли қозонда бемалол пишириш мумкин. Буғдой тозаланиб, совуқ сувда яхшилаб ювилади ва илиқ сувда икки кун ивитиб қўйилади. Кейин ним қоронғу уйдаги хонтахта устига икки сантиметр қалинликда ёйилади. Уйнинг ҳарорати 16-18 даража бўлиши лозим. Учтўрт кун давомида икки-уч маҳалдан сув пуркаб турилади. Тўрт-беш кунда буғдой униб чиқади, томир отиб илдизлари бир-бирига қовушиб, катак-катак кўринишни ҳосил қилади. Буғдой майсасининг бўйи нина бўйича, яъни беш-олти сантиметр бўлганида уни бўлак-бўлак қилиб кесиб олинади, гўшт қиймалагичдан ўтказилади ва шарбати докадан сузиб олинади. Буғдой шарбатини сувга аралаштириб, яна сузилади ва алоҳида идишга олинади. Шу усулда учинчи марта сузиб олиниб, олинган шарбат алоҳида идишга солинади.

Қозонда пахта ёғи яхшилаб доғланиб, бироз совутилади. Кейин қозонга ун ва биринчи сузиб олинган буғдой шарбати қўшиб аралаштирилади. Қайнаши олдидан, сумалак аталаси суюқланиб, юзида оқиш кўпиклар кўринади, ана шу вақтда уни тошириб юбормаслик керак. Бунинг учун оз-оздан буғдой шарбати қуйиб турилади, оловни бироз пастлатиш лозим.

Сумалакка бир ҳовуч тоза тошчалар ташлаш лозимки, бу нарса унинг тагига олишдангина сақлаб қолмай, тезроқ пишишига ҳам ёрдам беради. Тошчалар билан бирга яна тоза ювилган ёнғоқ солиш ҳам мумкин.

Сумалак ўн-ўн тўрт соатда тайёр бўлади. Ҳар сафар сумалак қуюқлашиб, атрофга сачрайдиган даражага етганида унга сув қуйиб, оловни баландлатиш керак.

Сумалак шарқираб қайнаса, ширали бўлиб етилади. Ранги тўқ қўнғир тусга кириб қуюқлашган сумалак етилган ҳисобланади. Ана энди уни бемалол димлаш мумкин.

Газда олов ниҳоятда пастлатилади. Ўчоққа эса тупроқ ташланади. Қозон устига аввал дастурхон ёпилиб, қопқоқ ёки қопқоқ ўрнини ўтовчи буюмлар билан беркитилади ва устидан кўрпа ёки кўрпача ёпилади. Шу зайлда олти соат турса, кифоя.

**Рисолат РАҲМОНОВА тайёрлади.**



# «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси барча ҳамшаҳарларимизни Наврўзи олам шодиёналари билан самимий қутлайди.



Наврўз байрамининг қувончли кунларида ҳар бир хонадонга бахт-саодат тилаймиз. Йўлларингиз ҳамиша равон бўлсин, азиз юртдошлар!


# Ҳурматли Тошкент шаҳри аҳолиси!

***ДУК «Сувсоз» трести маълум қиладики, 2003 йил 31 декабрга қадар ичимлик суви учун тўловни ўтказишга улгурган абонентлар ўртасида ютуқлар ўйини ўтказилади.***

| № | Совринлар номи | Дона |
|---|---|---|
| 1. | «Nikai» NRF 55 музлатгичи | 10 |
| 2. | «Feretti» 2102 телевизори | 11 |
| 3. | «Toshiba» VCPC 10 видеомагнитафони | 10 |
| 4. | «Nikai» NVC 965 чангютгичи | 10 |
| 5. | «Nikai» NFR 897 ошхона комбайни | 10 |
| 6. | «Taurus» MS 50 қахва қайнатгичи | 12 |
| 7. | «Supra» SI 45 YD дазмоли | 56 |
| 8. | «Nikai» NJ 122 шарбат сиқувчи блендери | 77 |
| 9. | «Nikai» NHD 821 фени | 90 |
| 10. | «LG» WP 580 кир ювиш машинаси | 5 |
| 11. | «JVC» RC—S203U магнитафони | 8 |
| | ҲАММАСИ: | 299 |

***Ютуқлар ўйини 2004 йил 25 март соат 9-00 да қуйдаги манзил: А.Икромов тумани, 24-мавзе «Ватан» кинотеатрида ўтказилади.***

***Ютуқлар ўйини натижаси оммавий ахборот воситаларида ўйинлар ўтказилгандан сўнг 5 кун ичида чоп этилади.***

***Маълумотлар учун телефон рақами: 152-19-63, 152-19-46***

***ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!***

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**22-28 март**



**Қўй** (21.03-21.04)—Шу кунларда амалга оширадиган ишларингиз муваффақияти гарови сизнинг сабрли бўла олишингиз, тузилган режаларга содиқлигингиз бўлади.



**Бузоқ** (22.04-20.05)—Ушбу ҳафта ишқ бобида, ижодий ишларда ва фарзандларингиз билан муносабатда катта ижобий ўзгаришлар юз беради. Ҳеч кутмаган кишингизнинг хайрихоҳлиги сизга қўл келади.



**Эгизаклар** (22.05-21.06)—Айни кунларда яхшиси оилавий ташвишлар, рўзғор ишлари билан банд бўлганингиз маъқул. Бошқа ишларингизни кейинга қолдиринг.



**Қисқичбақа** (22.06-22.07)—Бу ҳафтада атрофингизга фақат керакли ва жуда кўнгилчан кишилар йиғилиши мумкин. Уларнинг кўмаги билан анча муаммоларни ҳал қилишга эришасиз.



**Арслон** (23.07-22.08)—Агар кўзлаган ниятларингизни дуч келган кишига гапиравермасангиз, яқин кунларда катта молиявий манфаат кўрасиз.



**Паризод** (23.08-22.09)—Ушбу ҳафта ғайрат-шижоатингиз ошиб, кайфиятингиз кўтарилади. Ўз кучингизга бўлган ишонч туфайли кўп нарсаларга эришасиз.



**Тарозу** (23.09-22.10)—Мерос, солиқлар, уй-жой суғуртаси билан боғлиқ ишларни бироз сирли тарзда амалга оширганингиз маъқул. Шундай қилсангиз ишларингиз осон кечади.



**Чаён** (23.10-22.11)— Ҳафта бошидан янгиликка интилиб, янги режалар тузишга киришасиз. Оилавий муаммоларингизни вақтида, оқилона ҳал қилишингиз керак.



**Ўқотар** (23.11-21.12)—Агар мансаб баҳонасида юксалишни ўз олдингизга мақсад қилиб қўйган бўлсангиз, шу кунларда бунинг айни вақти. Отга қамчи босиш вақти етди.



**Тоғ эчкиси** (22.12-19.01)—Ҳафта ишқий саргузаштлар, хориж сафари, кутилмаган учрашувларга бой бўлади.Бу воқеаларнинг ҳаммаси айнан сиз билан юз бериши мумкин. Омад сиз томонда.



**Қовға** (20.01-18.02)—Таваккалчилик билан бошлаган ишингиз самарасиз кечади. Бор ғайратингиз, иродангизни ишга солиб, астойдил ишга киришсангиз албатта мақсадингизга эришасиз.



**Балиқ** (20.02-21.03)—Шу кунларда таранглашган муносабатларингизни изга солиб, молиявий ишларингизни муваффақиятли адо этиш имконига эга бўласиз. Якшанба куни дам олишни унутманг.

# Олча ва терак

## Қатра

— Кўп чиранма, барибир менга тенг келолмайсан, — деди терак уч-тўрт метр наридаги ёш олчанинг авжланиб ўсаётганига ғаши келиб.

— Менинг ўз йўлим, ўз уйим бор. Сенинг бошинг осмонга етдию, етмади нима фарқи бор?

Терак олча сўзининг маъно-мағзини чақолмас, узун бўйи билан гердайиб, еллар эпкинида унинг устидан чапак чалиб яшарди.

Олча шиға ҳосилга кирган. Ўткинчилар чирой ва мазасидан бахра олиб, экканга раҳмат дейишар, ўйинқароқ болалар эса олчаларни идишчаларда эзиб, сувини ичишарди.

Терак эса одамларнинг эътиборидан четда қолганиданми, таажжубда: «Қаддим олчаникидан баланд бўлса ҳам, наҳотки бир дона ҳам ҳосил туголмасам...»

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

*Бўш вақтингизда*

# «БАЙРАМ АЙЁМИ» ЧАЙНКРОССВОРДИ

1. Мучал ҳисоби билан Наврўз айёмидан бошланадиган йил. 2. Ҳўл мева. 3. Ёш дарахт. 4. Кўчманчи парранда. 5.Тантанали кун. 6. Уйғониш фасли. 7. Тантананинг самодаги акси. 8. Ёрдам. 9. Ўсимликнинг гул ёки баргга айланадиган аъзоси. 10. Кўк. 11. Истак. 12. Наврўз сайилларида ўтказиладиган чавандозлик мусобақаси. 13. Пилла қурти толаси. 14. Ғалла экини. 15. Саломнинг жавоби. 16. Миллий спортимиз. 17. Дала оромгоҳи. 18. Эстрада гуруҳи. 19. Билим, маълумот. 20. Мевали дарахтнинг онаси. 21. Жисмоний қувват. 22. Техника экини уруғи. 23. Кўркам патли қуш. 24. Мусаффо пайт. 25. Манзарали ўсимлик. 26. Кайфиятни кўтарувчи мўъжаз асар. 27. Ҳамалнинг белгиси. 28. Ҳузур-ҳаловат ҳисси.



**МУАММОНОМА**

Қуйидаги рақамлар жуфтини юқорида таърифлари баён этилган сўзлардаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда биринчи рақам жавоб сўзи, иккинчиси эса ҳарф тартибини англатади.

1-6; 3-4; 19-3; 4-3; 12-2; 28-3; 10-4; 17-5; 27-2; 6-5.

Улардан аён бўладиган сўз Ўрта аср Шарқининг етук алломаси Умар Ҳайём ёзиб қолдирган нодир асар номини англатади.

**Тузувчи**
**Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 12 март ойида берилган ЖАДВАЛЛИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**Энига:** Газета. До. Оксид. Аврора. Ва. Шом. Маош. Шона. Фоний. Уд. «Сино». Абай. «Рено». Нон. Глобус. По. Зиғир.

**Бўйига:** Грамм. Узанги. Бол. Зарбоф. Санoқ. Шоший. Торф. Куз. Ака. Шикор. Си. Шойи. Ер. Диван. Нун. Пи. Одамато. Оҳор.

**МУАММОНОМА: Ғайрат—умрга мадад.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар ҳақида билмоқчи эдим.**

**М.ШОИКРОМОВА,**
**ишчи.**

Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари никоҳ тузиш, никоҳнинг тугатилиши (тугаши) ва уни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари ва тартибини белгилайди, оила аъзолари: эр-хотин, ота-она ва болалар (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар) ўртасидаги, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва доирада эса қариндошлар ҳамда ўзга шахслар ўртасидаги шахсий номулкий ва мулкий муносабатларни тартибга солади, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага олиш шакл ва қоидаларини, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибини белгилайди.

* * *

**Мен 27 йилдан бери I-гуруҳ донорман. Ҳар 3 ойда қон топшираман. 32 йиллик иш стажим бор. Беш ойдан кейин нафақага чиқишим лозим. Қон топширганим учун ҳар доим ҳақ тўланган. Мени бир нарса қизиқтирмоқда. Нафақага чиққанимда донорлигим ҳам ҳисобга олинадими? Менга яна бошқа имтиёзлар ҳам бормикин?**

**Н.Пирназарова,**
**муҳандис.**

Агарда сиз донор сифатида расмий ишлаган ва шунга яраша тегишли иш ҳақи олган бўлсангиз, албатта, бу Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 31, 32-моддаларига кўра иш стажига киради ва пенсия тайинлащда ҳисобга олинади. Донор ва бошқа шахсларга бериладиган енгилликлар тўғрисида бошқа қонун йўқ.

* * *

**Моддий шароитини ҳисобга олган ҳолда ҳали 18 ёшга тўлмаган ёшлар ҳам ўқишдан ажралмаган ҳолда ишга қабул қилинишлари мумкинми? Умуман Республикамизда неча ёшдан ишга қабул қилинади?**

**Б.Усмонов,**
**Ф. Зокиров, лицей ўқувчилари.**

Меҳнат Кодексининг 77-моддасига асосан ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тўлган шахслар отаси ёки онасининг ёки улар ўрнини босувчи шахс (васий, ҳомий)нинг ёзма розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Бундан ташқари ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасининг розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Ишга жалб қилиш, албатта, боланинг соғлиғига ва ўқишига зарар келтириши мумкин эмас.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ва ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда ва бошқа юмушларда фойдаланиш умуман тақиқланади. Қонунда 18 ёшга тўлмаганларга ойлик маоши, иш вақти ва дам олиш вақти масалаларида кафолат ва имтиёзлар белгиланган.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан 139-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали ҳуқуқшунослар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг, кутамиз.**

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтининг ректорати ва жамоаси институт ректори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳомид Ёқубович Каримовнинг опаси

**ХОСИЯТ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

*Кўргазмалар*

# РАНГ-БАРАНГ ГУЛЛАРДАН БАҲРА ОЛАСИЗ



***Баҳор байрами Наврўз арафасида — кеча «Ўзэкспомарказ» Республика савдо-кўргазмалар марказининг Марказий павильонида анъанавий «Флора — 2004» гуллар, манзарали ўсимликлар ва боғдорчилик учинчи миллий кўргазмаси очилди.***

Мазкур тадбирда илк бор Беларусь кўрлар ўртоқлик жамоа ташкилотининг «Светотехника», Гомель унитар ишлаб чиқариш корхонаси иштирок этмоқда. Шунингдек, кўргазмада республикамизда фаолият кўрсатаётган бир қатор «Nerafim (A.C.S) LTD» ваколатхонаси, «UzWoridExotic LTD», «Совпластитал», «Агрохим» қўшма корхоналари, Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат хўжалиги унитар корхонаси, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази, «Газон маркази» масъулияти чекланган жамияти, «Сопол буюмлар» кичик корхонаси, «Yashil barg» хусусий корхонаси, «Kamolot -faxt» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси, «Apricus» кактус ҳаваскорлари клуби, «Олим-фермер» масъулияти чекланган жамияти, «АУДТ» уруғчилик фирмаси, Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети ўқув-илмий базаси, Тошкент Давлат аграр университети гуллар, манзарали ўсимликлар ва боғдорчилик соҳасида кейинги йилларда яратилган янгиликлар, суғориш тизимлари гул ва манзарали ўсимликларнинг янги навлари ва ҳоказоларни намойиш этмоқдалар.



Кейинги вақтларда республикамизда тадбиркорликка кенг йўл берилиб, гулчилик борасида хусусий тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда. Кўргазмада ўнлаб гулчи-тадбиркорлар ҳам ўзлари етиштираётган табиий гуллар, хризантемалар, «эксклюзив» гул туваклари, экзотик ўсимликлар, бинафша гуллари, кактус гуллари, боғ ва парклар архитектураси, 1970 —1990 йиллар Америка, Австралия ва Европа гулсафсарлар селекцияси дурдоналари, сопол ва чинни буюмлари, пакана бансай дарахтчалари ва бансай аксессуарлари ва манзарали ўсимликларини гулсеварлар ва мутахассислар эътиборига ҳавола этмоқдалар. Бундан ташқари, кўргазмадан гўзаллик шайдоси фоторассом Умида Аҳмедованинг «Баҳор оҳанглари» баҳорий фотоишлари тўплами ҳам жой олган.

Аввалги ташкил этилган «Флора» кўргазмалари иштирокчи ва меҳмонларда катта таассурот қолдирганлиги сабабли йилдан йилга кўргазмада қатнашувчилар сафи кенгайиб бормоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: «Флора-2004» кўргазмасидан лавҳалар.**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## СЕН МЕНГА ТЕГМА...

Ҳар байрам арафасида кўча айланиш одатим бор. Бу сафар ҳам шундай қилдим. Амир Темур, Алишер Навоий, Фарғона йўли шохкўчаларида бўлдим. Ҳамма ерда байрам тараддуди, кўчалар обод ва чароғон.

Охирида хориб-чарчаб йўл-йўлакай Қорақамишда турадиган қизимникидан хабар олай, ҳам набираларни кўриб бироз дам олиб қайтарман, деган ниятда 82-автобусни кутиб турдим. У келди. Лекин салонда йўловчилар кўп, тиқилинч эди. Машинага чиқайми, чиқмайми деб турсам олди эшик тагида турган йигитлар:

— Чиқинг отахон, чиқинг, — деб қўлтиғимдан олишди.

— Барака топинглар, яхши йигит экансизлар, — дедим уларга мамнуният билдириб.

Ортимда питир-питир қилиб, ҳазил-ҳузул билан турган йигитлар икки бекат оралаб автобусдан тушиб қолишди. Хайрият, салон бироз бўшаб енгил шамол теккандек бўлди. Ён ўриндиқ бўшаб қолганини кўриб, унга ўтирай деб турсам орқамда турган давангирдай йигит менга жилмайиб: «Отахон, чўнтагингизни бир қаранг, ишқилиб пулингиз қолганмикан. Бояги йигитлар роса чўнтагингизни кавлаб чиқишди деса бўладими?

Дарҳол киссамга қўл тиқиб кампирим: «Қизингизникига борсангиз набираларингизга ул-бул оларсиз», деб берган пулни қидира кетдим. Йўқ. Қарангки шунча зийраклигимга қарамай, бояги йигитлар чўнтакни қоқлаб кетишибди. Майли, болаларнинг бош-кўзидан садақа. Бунисига ачинмадим. Аммо алп қомат йигитнинг юқоридаги сўзи ғашимни келтирди.

— Кўриб турган экансиз нега индамадингиз? — десам у:

— Бу тирранчаларга қарши гапириб бўладими, — дейди хиринглаб.

— Баракалла, дейман ўзимга ўзим. Қачонгача биз «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман», қабилида иш тутамиз. Бу нима лоқайдликми ёки қўрқув? Бордию шундай ҳолат ўша йигитнинг ўзида содир бўлиб қолсачи? Унда нима қиларкин?

## ЯХШИЛИК

Бекатда автобус кутиб турсам, сал нарида турган мўйсафид мени кўриб шу томон кела бошлади. Бирор танишим бўлса эслаёлмай қолдиммикан, деган хаёлда у билан қўшқўллаб кўришдим.

— Одам-одамга ғанимат, — деди у кутилмаган учрашувдан таажжубда қолганлигимни сезиб. Нима дейишимни билмай турсам яна унинг ўзи сўз олди.

— Ҳаёт билан ўлим ораси лаҳзалик вақт. Шуни ўйламай-нетмай бир-биримизнинг дилимизга озор бериб қўямиз-да.

Бандаси ношукр, — дедим унга жавобан.

— Билиб турибман бу маҳмалона чол ким экан деб ўйланиб турибсиз. Ҳозир анави касалхонада (у қўли билан ўша томонни кўрсатди) кўрган-кечирганларимни биров билан жуда-жуда баҳам кўргим келяпти-да. Қараб турсам тенгқур кўринасиз. Шунинг учун дилимни сизга очишни маъқул кўрдим.

— Нима гап экан, яхшиликми ўзи?

— Нима десам, балки ёмонлик устидан яхшиликнинг тантанаси десам тўғрироқ бўлар.

Нотаниш танишимнинг айтишича, эрталаб мактабга бораётган бир қизалоқни машина уриб кетибди. Одамлар кўз ўнгида бахтсизликни содир эттан ҳайдовчи орқа-ўнгига қарамай жуфтакни ростлаб қочиб қолибди. У бошқараётган оқ «Жигули»нинг биров иккита рақамини, яна биров биттасини кўриб қолибди.

Орқама-орқа кўк «Москвич»ни бошқариб келаётган ўрта ёшлардаги ҳайдовчи машинасини дарҳол тўхтатиб ерда бемажол ётган қизалоқни кўтара солиб орқа ўриндиққа ётқизибдида, зудлик билан уни касалхонага олиб кетибди.

Қизчага дарҳол жарроҳлик ёрдами кўрсатилиб, унинг ҳаёти сақлаб қолинибди. Айтишларича, яна орадан бироз муддат ўтса, фожеа ўлим билан тугаши аниқ эди. Олдинига ҳайдовчининг сўзларига ишонмай шубҳа остида милиция чақиришибди. Лекин изқуварлар гувоҳларнинг кўрсатмаси билан кўп ўтмай айбдор ҳайдовчини тутиб келтиришибди. Шундан кейин бояги халоскор йигитга жавоб бериб юборишибди. Қизчанинг ота-онаси миннатдорчилик билдириш учун халоскор ҳайдовчини истаб топишолмабди. Тўс-тўполонда ҳеч ким унинг машина рақамини, ё яшаш жойини, ё исмишарифини ёзиб қолмаган экан.

— Шу воқеадан кейин яхшилик ёмонлик устидан ҳамиша тантана қилишига яна бир бор ишондим, — дейди ҳамроҳим менга укдириб.

— Ҳа, — албатта бу исботланган ҳақиқат, — дейман унинг фикрини тасдиқлаб.

Балки бу сатрларни ўқигач ўша ҳалоскор йигит ўзининг кимлигини танитар, деган мақсадда ушбу воқеани оқизмай-томизмай сиз азизлар эътиборига ҳавола этдик.




# Азиз ҳамшаҳарлар!

*«Тошкент почтамти» жамоаси Сиз азиз тошкентликларни ва пойтахтимиз меҳмонларини уйғониш даври, гўзал баҳор фаслининг Наврўз айёми билан чин кўнгилдан қутлайди. Ҳар бир хонадонга бахт ва шодлик, тинчлик ва саломатлик, гўзаллик ва самимият ҳамнафас бўлишини тилаб қоламиз!*

**БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5252 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-407.

1 2 3 4 5 6